Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Ҳудди шу ҳолатда бошқа оёғингиз билан ҳам бажаринг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Тирсак ва қўл кафти мушаклари мустаҳкамланади.
- ◆ Тананинг тепа қисми мушаклари ривожланиб боради.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бел ёки кўкракда оғриқлар безовта қилса, бу машқларни бажариш тавсия этилмайди.

"ЁНГА КЎТАРИЛГАН, ҚЎЛ" ПОЗАСИ (Parsh Konasana)

1-чи машқ

Танангизни ерда қўлларингиз билан тиралиб туриш ҳолатига олиб келинг. Сўнг танангизни ёнга буриб, биргина чап қўлингизга тиралиб туринг. Тана бўйлаб ерга тушган ўнг қўлнинг қафти ерга тегиб туриши лозим. Иккала оёғингизни товонлари бир томонга қараб туриши лозим.



2-чи машқ

Ўнг қўлингизни бошингиз устидан тепага қараб чўзинг. Танангиз билан қўлингиз бир чизиқни ташкил этиш лозим. Асосий босим чап қўлга тушиши керак. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Худди шу машқни қарши томонда ҳам бажаринг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қўл мушаклари ва тананинг ён қисмлари қувватлантирилади.
- ◆ Мувозанат ҳисси ривожланиб боради.
- ◆ Бўйин мушаклари мустаҳкамланади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Белдаги кучли оғриқлар ёки елка бўғимларининг кам ҳаракатланишида, бу машқларни бажариш тавсия этилмайди.

БЕЛ


Бу асанлар бел мушакларига таъсир кўрсатади. Агар мушаклар мунтазам бажариб турилса, бел мушакларининг мустаҳкамланиши ва тортилишига олиб келади, бу эса ўз навбатида тана ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади.

“ЯРИМ КОБРА” (ПОЛУКОБРА) ПОЗАСИ
(Saralhasta Bhujangasana)



1-чи машқ

Ўз тубан ётиб, қўлларингизни танангиз бўйлаб пастга чўзинг. Оёқларингиз ҳам узун турсин.



2-чи машқ

Қўлларингизни тирсак қисмдан буклаб, кафтингизни кўкрагингиз даражасида қўйиб уларга тиралинг. Тирсаклар тепага қараган бўлиши лозим.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Кўкрак, елка ва бўйин мушакларининг эгиловчанлиги ва тортилиши ривожланади.
- ◆ Қорин бўшлиғи мушаклари мустаҳкамланади.
- ◆ Ушбу машғулотлар, эркак (урогенитал) ва аёллардаги (гинекологик) кўплаб хасталикларни даволашда самарали таъсир кўрсатади.
- ◆ Белдаги оғриқларни камайтиради.



3-чи машқ
Нафас олаётганда баданингизнинг тепа қисмини секинлик билан қўтара бошланг.




4-чи машқ
Қўлларингизни текислаган ҳолда, белингизни иложи борича тўғрилаб нигоҳингизни юқорига қаратинг. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

ОҒОҲЛАНТИРИШ


- ♦ Қорин бўшлиғида ўтказилган жарроҳлик операциялардан сўнг шунингдек грижа (чурра) ёки шишларда бу машқларни бажариш тавсия этилмайди.
- ♦ Белдаги кучли оғриқлар ва умуртқа поғонаси жароҳат олганидан сўнг, бу машқларни бажаришдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиб олиш зарур.

"ХҲҮҮҮҮ" (ПЕТУХ) ПОЗАСИ
(Marjariasana)



1-чи машқ

Қўлларингиз ва тиззангизга тиралиб, нафас олаётганда белингизни пастга букиб, нигоҳингизни тепага қаратинг.



2-чи машқ

Нафас чиқараётганда белингизни мушукники сингари букасиб, бу ҳолатда нигоҳингиз киндигингизда бўлсин. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Бел мушаклари мустаҳкамланиб, ривожланади.
- ◆ Осанкада келиб чиқадиган муаммолар олдини олинади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Машқни кескин ҳаракатларга йўл қўймаган ҳолда, секинлик ва эҳтиёткорлик билан бажариш лозим.


60

“ЯРИМГҮДАК” (ПОЛУДИТЯ) ПОЗАСИ
(Sahaj Pavanmuktasana)




1-чи машқ

Белингизга ётиб, қўлларингизни танангиз бўйлаб чўзинг. Ўнг тиззангизни буклаб, товонингизни иложи борича сонингизга яқин қўйинг.



2-чи машқ

Қўлларингиз билан ўнг тиззангизни ушлаб олинг. Нафас олаётганда уни иложи борича кўкрагингизга яқин олиб келинг.



3-чи машқ

Иягингиз тиззангизга тегиб турсин. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг. Бир оз вақтдан сўнг бу ҳаракатни бошқа оёғингиз билан қайтаринг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Белнинг пастки қисмидаги оғриқлар камайиб, бел эгилювчанлиги ортиб боради.
- ◆ Тизза ости ва тоз-сон бўғимларини мустаҳкамлаб, ортиқча ёғ қатламлари вужудга қелишининг олди олинади.
- ◆ Тоз-сон ва тизза бўғимларининг эгилювчанлиги ривожланади.
- ◆ Ортиқча йиғилган газлар йўқ бўла бошлайди.


ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бўйин спондилит билан бетоб бўлганида, бошни ердан кўтармаган ва иякни тиззага тортмаган ҳолда бажариш керак эмас.

4-чи машқ

Қўл ва оёқларингизни текис кўтарган ҳолда, оёқ ва қўл учларига тиралиб, бошингиз ва танангизнинг тепа қисмини иложи борица юқорироқ кўтарасиз. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Тананинг ён қисмларида ёғ қатламларининг ортиб бориши камаяди
- ◆ Кам ҳаракат қилувчи тоссон бўғимлари мустаҳкамланиб боради.
- ◆ Ушба машқ астма касаллигида ижобий таъсир кўрсатади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бу машқда олдинга ҳам орқага ҳам ҳаракат қилиш керак эмас.
- ◆ Нафас олишни тўхтатмаслик лозим.

БЕЛ ҚАЙРИЛИШЛАРИ (Merudandasana)



1-чи машқ

Белингизга ётиб, қўлларингизни кенг ёйинг. Ўнг оёғингизни чап тиззангиз устига қўйинг.



2-чи машқ

Нафас чиқараётганда ўнг тиззангизни чап томонга ташлайсиз, нигоҳингиз эса ўнг тарафда қолиши лозим. Ўнг тиззангизни ерга иложи борича бостириб, шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Белнинг ўрта пастки қисмларидаги оғриқлар камайиб, умуртқа поғонасининг эгилувчанлиги ортади.
- ◆ Ошқозон деворлари ва қорин соҳасида жойлашган ички аъзолар уқаланади.
- ◆ Трапециявий мушакнинг чўзилувчанлиги ортади.
- ◆ Седалиш асаб толасининг невролгия ҳолатларида оғриқ камайди.


ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Седалиш асаб толасининг кучли неврологик оғриқларида бу машқни бажаришдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиб олиш зарур.

“ТОРТИЛГАН КАМОН” ПОЗАСИ (Dhanurasana)



2-чи машқ
Оёқларингизни тиззадан буклаб. Қўлларингиз билан оёқларингиз учидан ушлаб олинг.



1-чи машқ
Юзтубан ётиб, қўлларингизни танангиз бўйлаб чўзасиз.



3-чи машқ
Нафас олганда, бир вақтнинг ўзида тиззангизни пастдан кўтариб, бошингизни телага қиласиз. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Бел ва қорин мушаклари мустаҳкамланади. Белнинг ўрта қисмида оғриқлар камаяди.
- ◆ Қўллар ривожланади ва мустаҳкамланади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бел ва буйиндаги кучли оғриқларда ушбу машқни бажариш тавсия этилмайди.

"ҚАЙИҚЧА" ПОЗАСИ
(Viprit Naukasana)



1-чи машқ

Юзтубан ётиб, қўлларингизни олдинга тўғрилаб чўзасиз.



2-чи машқ

Нафас олганда белингизни буклаб, бошингиз ва танангизнинг тепа қисмлари, яъни қўллар ва оёқларингизни тепага кўтарасиз. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қорин мушаклари мустаҳкамланади, умуртқа погонаси чўзилиб унинг эгиливчанлиги ортади.


ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Белда муаммолар безовта қилса, бу машқни фақат оғриқлар безовта қилмагандагина бажариш тавсия этилади.

“ЧҮЗИЛГАН ОЁҚ” ПОЗАСИ
(Viprit Ardha Naukasana)



1-чи машқ
Юзтубан ётиб, қўлларингизни олдинга тўғрилаб чўзасиз.



2-чи машқ

Нафас олганда бир вақтнинг ўзида ўнг оёқ ва чап қўлингизни тепага кўтарасиз, қулоғингиз елкангизга тегиб турсин. Кўтарилган оёқ ва қўллар танани иккига бўлиб турган бир чизик мисолида бўлиши лозим. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Кейин машқни, чап оёқ ва ўнг қўлингиз билан давом эттиринг. Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ♦ Бел мушаклари мустаҳкамланади.
- ♦ Қўлларнинг аста чўзилиши, қотиб қолган елка бўғимларини ҳаракатлантиради.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ♦ Белдаги кучли оғриқларда бу машқни эҳтиёткорлик билан бажариш лозим.

"ОРҚАДА БИРЛАШТИРИЛГАН ҚўЛЛАРНИНГ КўТАРИЛИШИ"
 ПОЗАСИ
 (Dwikonasana)



1-чи машқ
 Қаддингизни тик тутиб,
 оёқларингизни бирлаштиринг.
 Қўлларингизни орқага олиб, чап
 кафтингиз билан ўнг билагингиз-
 ни маҳкам ушлаб олинг.

2-чи машқ
 Нафас олаётганда бир-
 лашган қўлларингизни тепага
 кўтаринг. Бошингиз орқага эгил-
 ган бўлиши лозим. Нигоҳингиз
 тепага қаратилган бўлсин.
 Шу ҳолатда 10-30 сония
 қолинг.

Кейин, машқни чап
 қўлларингиз ҳолатини алмашти-
 ribs давом эттиринг.

Нафас олишни бир маромда
 сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- Тананинг тепа қисми эгилувчанлиги ортиб боради.
- Бўйин спондилитини даволашда ёрдам беради.
- Умуртқа поғонасининг ҳолати яхшиланади.

ОГ'ОҲЛАНТИРИШ

- Ёмон ҳаракатланувчи елка бугимларида қўллари иложи бори-
ча баландроқ кўтариш лозим.
- Бош айланишлар безовта қилганида ушбу машқни бажариш
тўхтатилиши лозим.

ҚОРИН

Тавсия этилаётган асанлар, қорин мушакларини мустаҳкамлашга қаратилган. Агар бу машғулотлар мунтазам бажариб турилса, улар қорин бўшлиғида жойлашган барча ички аъзоларни қувватлантиради ва қорнингизнинг янада текис бўлишига олиб келади.

“ЯРИМШАҒАМ” ПОЗАСИ
(Uthaaan Padasana)



1-чи машқ

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва кафтингизни ерга қаратган ҳолда қўлларингизни танангиз бўйлаб чўзасиз.



2-чи машқ

Нафас олганда оёқларингизни 45° даража бурчак остида кўтаринг. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қорин мушаклари мустаҳкамланиб, уқаланади.
- ◆ Умуртқа поғонасининг эгилувчанлиги ривожланиб боради.
- ◆ Сон мушаклари қувватланиб мустаҳкамланади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Белда муаммолар мавжуд бўлганда ушбу машқларни сонингизни ушлаб турган ҳолда бажариш лозим.

“ЎТГАН ҲОЛДА ОЁҚНИ КЎТАРИШ” ПОЗАСИ (Ardha Halasana)



1-чи машқ

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва кафтингизни ерга қаратган ҳолда қўлларингизни танангиз бўйлаб чўзасиз.



2-чи машқ

Нафас олганда оёқларингизни иложи борича тепароқ кўтариб, танангиз билан текис бурчак ҳосил қилсин. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- Қорин мушаклари мустаҳкамланиб қувватланади, қон айланиши фаоллашади.
- Бел мушаклари ривожланиб мустаҳкамланади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- Танаси суст ривожланган, ёши катта ва белида оғриқлар безовта қиладиган инсонлар учун ушбу машғулотни бажариш, тавсия этилмайди.

“ЁНБОШДАГИ ҚАЙИҚЧА” ПОЗАСИ
(Kati Naukasana)



1-чи машқ

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва қўлларингизни танангиз бўйлаб чўзасиз. Оёқларингиз тизза қисмдан букланиши лозим. Чуқур на-
фас олинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қориннинг пастки қисм мушаклари мустаҳкамланиб қувватлантирилади.
- ◆ Бел соҳасида ёғ қатламлари йиғилиши камаяди.
- ◆ Сон, бел ва елка боғичининг мушаклари ривожланиб мустаҳкамланади.



2-чи машқ

Тўғри бурчак остида букланган оёқларингизни аста кўтарасиз, болдирларингиз тўғри бўлиши лозим. Нафас чиқараётганда танангизни ёнга буринг. Бу ҳолатда, тўғрига чўзилган қўллар букланган тиззага нисбатан қарама қарши тарафда бўлиши лозим.

Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Сўнг бу машқни қарши томонга қараб бажаринг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бўйин ёки белнинг пастки қисмидаги жиддий муаммоларда ушбу машқларни бажариш тавсия этилмайди.
- ◆ Бўйин спондилитида бўйинни қайрилтириш тавсия этилмайди.

ОЁҚЛАР КЎТАРИЛГАНИДАГИ "ҚАЙИҚЧА" ПОЗАСИ
(Duipad Uthaan Kati Naukasana)




1-чи машқ

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва қўлларингизни танангиз буйлаб чўзинг. Чуқур нафас олинг. Тўғрига чўзилган оёқларингиз ва танангизнинг юқори қисмини 60° даража бурчак остида кўтаринг. Қўлларингизни тиззангизга қаратиб чўзинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қориннинг пастки қисм мушаклари мустаҳкамланиб қувватлантирилади.
- ◆ Бел мушаклари ривожланади ва мустаҳкамланади.
- ◆ Қориндаги ортиқча ёғ қатламлари камаё боради.



2-чи машқ

Нафас чиқараётганда танангизни ёнга, қўлларингизни эса қарши томонга, сон даражасида буринг. Нигоҳингизни кафтингизда мужассамланг. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Сўнг бу машқни қарши томонга қараб бажаринг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- Белдаги жиддий муаммоларда ушбу машқни бажариш тавсия этилмайди.
- Бўйин спондилитида бўйинни қайрилтириш тавсия этилмайди.

“ҚАЙРИЛТИРИЛГАН” ПОЗАЛАР

Бу асанлар бош ва юзга оқиб келадиган қон оқими ортиб бо-ришига омил бўлади. Мунтазам бажариб борилганда, бу машқлар юзга хушбўйлик, териға чўзилувчанлик, кўзларға эса аниқлик ва ёрқинлик беради.

“ЕЛКАДАГИ ЯРИМТИК ТУРИШ” (ЯРИМШАМ) ПОЗАСИ (Vipritkarnimudra)



1-чи машқ

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва қўлларингизни танангиз буйлаб чўзинг. Асталик билан иккала оёғингизни тепаға кўтара бошланг.

2-чи машқ


Оёқларингизни, танангизни тўғри бурчак остида тепаға қаратинг.



3-чи машқ

Қўлларингиз билан ушлаб турган ҳолда, аста сонингизни кўтаринг. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Юз атрофи ва тананинг юқори қисмидаги қон айланиши яхшиланади.
- ◆ Юзга қизил югуриб хуснбузар, тошма ва пигмент доғлар кўпайиши камая бошлайди.
- ◆ Соч илдизлари мустаҳкамланиб, уларнинг тўкилиши ва муддатидан аввал соч оқариши олди олинади.
- ◆ Организмнинг барча артериялари "тозаланади".

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Грижа (чурра), юқори қон босими ёки умуртқа поғонасининг шикастланишида ушбу машқларни бажариш тавсия этилмайди.

“ЕЛКАДА ТУРИШ” (ШАФАМ) ПОЗАСИ (Sarvangasana)

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва қўлларингизни танангиз бўйлаб чўзасиз.

Асталик билан иккала оёғингизни тепага қўтариб, ерга нисбатан текис бўлиши лозим. Тирсагингиздан буклаб, қўлингиз билан тос суягингизни ушлаб туринг. Танангизни иложи борича тепароқ қўтариб, танангиз оёқларингиз билан бир чизикни ташкил этсин. Бу ҳолатда қўлларингиз белингизни ушлаб туради, тананинг оғирлик нуқтаси эса ерга тиралиб турган елка ва тирсақка ўта бошлайди.

Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Бошга оқиб тушадиган қон оқими яхшиланиб, фикрлаш қобилияти ошиб боради.
- ◆ Юз териси билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммолар: ҳуснбузар, тошма ва кўз остидаги қора доғлардан фориф бўлишга ёрдам беради.
- ◆ Соч илдизлари мустаҳкамланиб, уларнинг тўкилиши ва муддатидан аввал соч оқариши олди олинади.
- ◆ Бош оғриқлари камаяди.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Грижа (чурра), юқори қон босими ёки умуртқа поғонасининг шикастланишида ушбу машқларни бажариш тавсия этилмайди.

“ПЛУГ” ПОЗАСИ
(Halasana)



1-чи машқ

Белингизни пастга қилиб ётасиз ва қўлларингизни танангиз буйлаб чўзинг. Асталик билан иккала оёқингизни бошингиз устидан кўтариб, ер билан текис бир чизикда бўлиши лозим. Шу ҳолатда оёқларингизни ушлаб туринг.



2-чи машқ

Оёқларингиз бармоқлари ерга теггунига қадар уларни чўзишда давом этинг.



3-чи машқ

Қўлларингизни бошингиз орқасида бирлаштиринг. Оғирлик марказини елка ва оёқ бармоқларига ўтказинг. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- Умуртқа поғонаси эгилувчанлиги ривожланади.
- Юзга қон оқиб келиши ортиб боради. Тери чўзилувчан бўлиб, кўз остидаги доғлар йўқолиб бора бошлайди.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- Юқори қон босими, белдаги кучли оғриқлар ёки бош айланишларда ушбу машғулотлар тавсия этилмайди.

"МАҒЛУБ БЎЛГАН" (ПОБЕЖДЁННЫЙ) ПОЗАСИ
(Sharnagatmudra)



1-чи машқ
Тиззангиз чукиб
оёқларингизга, "Лотос"
позасида ўтиринг.

2-чи машқ
Нафас олаётганда
қўлларингизни бошингиз устидан ба-
ландга қўтаринг.



3-чи машқ
Қўлларингизни бошингиз
устидан тўғри кўтарган ҳолда, ол-
динга эгилинг.



4-чи машқ

Кўкрагингиз билан тиззангизга эгилиб, қафтлари бирлашган қўлларингизни тўғрига чўзасиз ва бошингизни ерга теккizasиз. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Умуртқа поғонасининг эгилувчанлиги ривожланади.
- ◆ Асабтаранг ҳолат ечилади.
- ◆ Юз терисининг силлиқлиги ортади.
- ◆ Юзга қон оқиб келиши ортиб боради.
- ◆ Тизза ва болдир бўғимлари эгилувчанлиги ривожланади.



ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Белдаги кучли оғриқлар ёки тизза бўғимларининг кучли артри-
тида ушбу машғулотларни бажариш тавсия этилмайди.

“БОШДА ТУРИШ” ПОЗАСИ (Sirshasana 1)

1-чи машқ

Тиззангиз чўкиб оёқларингизга ўтирасиз ва қўлларингизни бирлаштириб, олдингизга қўясиз.



2-чи машқ

Бошингизни ерга эгиб, бошингизнинг тепа қисми иккала кафтингиз ўртасида бўлсин. Пешонангизни эса ерга қўйинг.

3-чи машқ

Тиззангизда оёқларингизни тўғрилаб, сон ва тосингизни кўтаринг. Оёқ учидан ҳаракат қилиб, танангиз тепа ҳолатда бўлгунга қадар бошингиз томон ҳаракат қилинг.





4-чи машқ

Танангизнинг оғирлик нуқта-сини тирсақлар ва бошингизга ўтказинг. Оёқларингизни ердан аста тепага кўтара бошланг ва ҳавода тизангизни букиб олинг.

5-чи машқ

Мустаҳкам ҳолатни эгаллаб, оёқларингизни тепага кўтаринг тиззаларингизни тўғриланг. Шу ҳолатда 10-30 сония қолинг.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Бошга оқиб тушадиган қон оқими яхшиланиб, фикрлаш қобилияти ошиб боради.
- ◆ Юз териси билан боғлиқ бўлган, кўглаб муаммолар: хуснбузар, тошма ва кўз остидаги қора доғлардан фориг бўлишга ёрдам беради.
- ◆ Соч илдизлари мустаҳкамланиб, уларнинг тўкилиши ва муддатидан аввал соч оқариши олди олинади.
- ◆ Бош оғриқлари камаяди.
- ◆ Бўйин мушаклари мустаҳкамланиб, мувозанатни ушлаб туриш яхшиланади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босимида ушбу машғулотларни бажариш тавсия этилмайди.
- ◆ Мураббий бошчилигида бу машқ ўзлариштирилмагунича, уни яқка тартибда бажариш мумкин эмас.


МЕДИТАЦИЯ ПОЗАЛАРИ

Ушбу асанлар, диққатни бир жойга жамлаш ва медитация ҳолатига эришиш учун бажарилади. Барча асанларни ўрганишнинг ягона мақсади – медитация позаларининг бирида иложи борича узоқроқ қолиш имкониятидир.

“ЛОТОС” ПОЗАСИ (Padmasana)


1-чи машқ

Ғиламчага ўзингизга қулай бўлган ҳолатда ўтириб олинг. Ўнг оёғингиз товонини чап сонингиз устига қўйинг.



2-чи машқ

Чап оёғингизни бармоқларидан ушлаган ҳолда, ўнг сонингиз устига қўйинг.



3-чи машқ

Иккала оёғингизни иложи борича қорнингизга яқинроқ олиб келинг ва иккала тиззангизни ерга босишга ҳаракат қилинг. Кафтингизнинг ён томони тиззангиз устида туриши лозим. Бош ва кўрсаткич бармоқларингизни бирлаштиринг. Белингиз текис бўлсин.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Умуртқа поғонасининг муаммолари туғриланади.
- ◆ Тизза бўғимларининг ҳаракатланиши ривожланади.

ОГОҲЛАНТИРАДИ

- ◆ Артрит касаллиги безовта қилган, шунингдек тизза ёки бел соҳасида жарроҳлик операциясини ўтказган беморларга ушбу машғулотларни бажариш тавсия этилмайди.

“ОЛМОСЛИ” ПОЗАСИ
(Vajrasana)



1-чи машқ
Гидамчага ўтириб, оёқларингизни олдингизга чўзинг. Қўлларингизни ёнингизга туширинг. Кафтлар ерга тегиб туриши лозим.




2-чи машқ
Ўнг оёғингизни тиззадан буклаб, унинг устига ўтиринг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Овқат ҳазм қилиш ва овқатни қабул қилиб олиш (машқларни овқат тановул қилиб бўлиш билан бажариш мумкин) жараёни тезлашади.
- ◆ Болдир ва товон мушаклари ривожланади.
- ◆ Осанка яхшиланади.
- ◆ Репродуктив тизимнинг ҳолатига яхши таъсир кўрсатади.

3-чи машқ

Сўнг худди шу йўл билан чап оёғингизни буклаб унинг ҳам устига ўтирасиз. Оёқ учига ўтириб, қўлларингизни тиззангиз устига қўйинг. Белингиз текис бўлиши лозим.



4-чи машқ

Бу асанда оёқ товонлари икки томонга очилган аммо бармоқлар бирлашган бўлиши лозим.


Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

ОГОҲЛАНТИРАДИ

- Артрит касаллиги безовта қилган, шунингдек тизза ёки бел соҳасида жарроҳлик операциясини ўтказган беморларга ушбу машғулотларни бажариш тавсия этилмайди.


92

“ҚУЛАЙ” (УДОБНАЯ) ПОЗАСИ
(Sukhasana)




1-чи машқ

Гиламчага ўтириб, чап оёғингизни сал ён томонга чўзасиз. Ўнг оёғингизни тиззадан буклаб чап оёғингиз олдинга, сонингизнинг ички қисмига тиралиб туриши учун су-
расиз.



2-чи машқ
Чап оёғингизни тиззангиздан букланг. Чап оёғингизни
ўнг оёғингиз сони остига сулинг.



3-чи машқ

Ўнг оёғингиз сонини ерга босиб, кафтларингиз ён қисмини, бош ва кўрсаткич бармоқларингиз учларини тиззангиз устида бирлаштиринг. Белингиз текис бўлиши лозим.

Нафас олишни бир маромда сақлаб туришга ҳаракат қилинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Асабтаранглик ечилиб, организм ўзини бўш қўяди ва мувозанатга келтирилади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бу позада узок муддат қолишдан ва белдаги оғриқлардан ўзингизни тийинг.

Пранаяма – бу ЙОГАнинг жисмоний ва руҳий томонлари ўртасидаги боғлаб турувчи омил бўлган – нафас олишни назорат қилиб туриш техникаси ҳисобланади. Пранаяма инсонга ўз-ўзини англашни назорат қилиб боришга ёрдам бериб, бошқа фикларга чалғимасликга имкон яратади. Пранаяма – онгни тинчлантиради.

5

НАФАС ОЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ (PRANAYAMA)

НАФАС ОЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Пранаяма – нафас олиш тезлигини камайтиришга ёрдам беради, агар қуйидаги нафас олиш машқлари мунтазам бажариб турилса, улар инсон ҳаётининг узайтирилишига омили бўлиши мумкин. Масалан, одатда инсон бир дақиқасига 12–16 марта, уйку вақтида – дақиқасига 30 марта нафас олиши мумкин. Асабтаранглик ҳолатида эса – 45–60 марта нафас олиши мумкин. Праянама техникасига эга бўлган инсон, дақиқасига бир – икки мартагина нафас олиши мумкин. Демак, праянаманинг махсус нафас олиш машқлари мажмуасини бажарган ҳолда, сизлар нафас олишни камайтиришингиз ва шу йўл билан ўз ҳаётингизни узайтиришингиз мумкин.

Праянама уч қисмдан иборатдир: Пурак – (нафас олишни назорат қилувчи техника), Кумбхак – (нафас ушлаб туриш техникаси) ва Рекхак – (нафас чиқаришни назорат қилиш техникаси). Кумбхак (Kumbhak) – Праянаманинг энг муҳим жиҳатидан бири бўлиб – ўз навбатида, уч босқич: antar kumbhak – нафас олиш ва уни ушлаб туриш; wahiyan kumbhak – нафас чиқариш ва ушлаб туриш; ҳамда, kevala kumbhak – танаффус, яъни организмга ҳаво кирмайдиган вақтдаги муддатга булинади.

Праянама нафас олиш техникаси, мунтазам амалиёт натижасида узлаштирилади.

ПРАЯНАМА ТЕХНИКАСИНING ОРГАНИЗМГА ТАЪСИР ЭТИШ ПРИНЦИПИ

Инсон организмга икки хил – ташқи ва ички нафас олиш хосдир. Ташқи нафас олиш, бу – ўпка ёрдамида нафас олиш ва нафас чиқариш. Ички нафас олиш эса – ҳаводаги кислород қонга кўшилиб, углерод двуокиси қондан ҳавога чиқариладиган жараён дир. Нафас олганда, ҳаво бурун орқали ўпкага етиб боради, альвеолалар эса ҳаво пуфакларига ўхшаб шишиб кетади. Ҳар бир альвеола бир қатор қон томирлари тизими билан ўралган бўлиб, улар орқали кислород ва углерод двуокисининг алмашинуви содир бўлади.


Нафас олиш, ушлаб туриш ва уни чиқариб юборишнинг энг яхши вақти – 1:4:2. Аммо илк босқичларида узоқ муддатга нафас ушлаб туриш керак эмас. Бошига 1:2:2 пропорциясидан бошлаган маъқул. Бир ой шуғуллангандан сўнг 1:3:2 пропорциясига ҳам ўтса бўлади. Бу усулни мисол орқали келтирамиз. Аввалига қуйидаги кўринишда нафас оламиз: нафас ютиш – 5 сония, нафас ушлаб туриш – 10 сония, нафас чиқариш – 10 сония. Кейинги босқич: нафас ютиш – 5 сония, нафас ушлаб туриш – 15 сония, нафас чиқариш – 10 сониядан иборат. Ниҳоят уч ойлик машғулотлардан сўнг; 5 – 20 – 10 сонияга етказиш мумкин.

ТИЛНИ БУКЛАШ ОРҚАЛИ НАФАС ОЛИШ ТЕХНИКАСИ (Sheetli Pranayama)

Бу нафас олиш машғулоти тана ҳароратини тушириш, ҳавотир, илҳоқлик ва асабтаранглик ҳиссини ечиш учун мўлжалланган.

Бажариш техникаси

“Лотос” позасида гиламчага ўтиринг. Белингизни текис қилинг, иложи бўлса кўзларингизни юмиб олинг. Суратда кўрсатилганидек тилингизни буклаб, шу тариқа аста нафас ола бошланг. Ичингизда 5 гача сананг. Иягингизни кўкрагингизга босиб, нафасингизни ушлаб туриб, 10 гача сананг. Иягингизни кўтариб, 10 гача санаган ҳолда бурнингиздан аста нафас чиқара бошланг.



Цикллилик

Бу машғулотни энг камида 15 марта қайтаринг. Ўзингизга ишонч ҳосил қилишингиз билан ушбу машғулотни кунига 1 соат давомида бажаришингиз мумкин.

Ҳаво совуқлигида машғулотни бажариш тавсия этилмайди.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Тананинг ҳарорати пасаяди.
- ◆ Ҳавотир ва асабтаранглик ҳисси йўқолади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босими ва нафас олишда муаммолар мавжуд бўлса ушбу машқни бажариш тавсия этилмайди.

**“ТҮРТБУРЧАК” ШАКЛДАГИ ЛАБЛАР ОРҚАЛИ
НАФАС ОЛИШ ТЕХНИКАСИ
(Sheetkari Pranayama)**

Бу машғулотлар, аввалги машғулотларни бажара олмаганлар учун мўлжалланган.

Бажариш техникаси

“Лотос” позасида гиламчага ўтиринг. Белингизни текис қилинг, иложи бўлса кўзларингизни юмиб олинг. Суратда кўрсатилганидек тишларингиз кўринадиган даражада лабларингизни тўртбурчак шаклга келтиринг. Шу тариқа аста нафас олиб, 5гача сананг. Иягингизни тушириб кўкрагингизга босинг. Нафасингизни ушлаб туриб, 10гача сананг. Иягингизни кўтариб, 10гача санаган ҳолда бурнингиздан аста нафас чиқара бошланг.

Цикллилик

Бу машғулотни энг камида 15 марта қайтаринг. Ўзингизга ишонч ҳосил қилишингиз билан ушбу машғулотни кунига 1 соат давомида бажаришингиз мумкин.

Ҳаво совуқлигида машғулотни бажариш тавсия этилмайди.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ


- ◆ Тананинг ҳарорати пасаяди.
- ◆ Ҳавотир ва асабтаранглик ҳисси йўқолади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босими ва нафас олишда муаммолар мавжуд бўлса ушбу машқни бажариш тавсия этилмайди.
- ◆ Томоғда қичишиши пайдо бўлиши билан ушбу машқни бажариш тўхтатилиши лозим.

ЕНГИЛ НАФАС ОЛИШ (Sahaj Pranayama)


1-чи машқ
“Лотос” позасида
гиламчага утиринг. Бе-
лингиз текис бўлиши
лозим.



2-чи машқ
Иягингизни туши-
риб, кўкрагингизга бо-
синг ва чуқур нафас
олиб уни ушлаб туринг.



3-чи машқ
Иягингизни кўтариб
оғзингиз орқали нафас
кўтаринг. Ушбу машқни
15 мартт қайтаринг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ


- ◆ Тана ҳарорати ошиб, ортиқча калориялар қуяди ва ортиқча вазн йўқола бошлайди.
- ◆ Ҳавотир ва асабтаранглик ҳисси йўқолади.

ОГОҲЎАНТИРИШ


- ◆ Бўйин спондилитида иякни кўкракга тушириш ман этилади.

100

ҲАВО, БУРУННИНГ ГОҲ ЧАП, ГОҲО ЎНГ ТЕШИГИДА ЦИРКУЛЯЦИЯ
БЎЛАДИГАН НАФАС ОЛИШ ТЕХНИКАСИ
(Anolum-Vilom Pranayama)



1-чи машқ
“Лотос” позасида гиламча ўтиринг. Ўнг қўлингизнинг
кўрсаткич ва ўрта бармоқларини букланг.




2-чи машқ

Ўнг қўлингизнинг бош бармоғини, қошлар ўртасидаги нуқтага, номсиз бармоқни эса бурнингизнинг чап тешигига бостилинг. Бурнингизнинг ўнг тешиги орқали чуқур нафас олинг. Нафасингизни ушлаб тулинг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қон тобора тез кислород билан таъминланади ва тозаланади, шу билан бирга ундан токсинлар чиқиб кетади.
- ◆ Ирода ва диққат-эътибор ҳисси кучайиб, бир вақтнинг ўзида асабтаранглик ечилади.



3-чи машқ

Ўнг қўлингизнинг номсиз бармоғини қошлар ўртасидаги нуқтага, бош бармоқни эса бурнингизнинг ўнг тешигига бостилинг. Бурнингизни чап тешигидан нафас чиқаринг. Сўнг бурнингизни ўнг тешиги орқали нафас олиб, уни ушлаб турунг. Қошлар ўртасидаги нуқтага бош бармоқни, номсиз бармоқни эса буруннинг чап тешигига бостилинг ва ўнг тешиги орқали нафас чиқариб юборинг.

Ушбу нафас олиш машғулотларини 12 мартаба қайтаринг.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босими ва юракдаги муаммоларда бу машғулотларни бажариш тавсия этилмайди.

Крийя (kriyas) – бу bahirang-йоганинг ташкил этувчи асосий ва энг муҳим омилларидан бири ҳисобланиб. У организмни деярли барча токсинлардан озод этилишига ёрдам беради. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, “синтетик” таомлар, сиқилишларнинг ўсиб бораётган кўрсаткичлари – буларнинг бари организмдаги зарарли токсин моддаларини ва ички аъзоларнинг барча тизимларига босимнинг ортишига олиб келади. Аммо ҳар қандай касаллик у ёки бу жиҳатдан нафас олиш йўли муаммолари билан изоҳланади. Kriyas – организмни барча зарарли токсинлардан озод қилиб, қувватнинг 72 000га яқин каналларини мустаҳкамлайди.

6


ОРГАНИЗМНИ ТОЗАЛАШ ТЕХНИКАСИ (KRIYAS)

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МАШҒУЛОТИ (Agnisar Kriya)



1-чи машқ

Қаддингизни тик тутиб туринг. Оёқларингизни елка кенглигида очасиз. Кафтингизни сонингиз устига бармоқларни ичкарига қаратган ҳолда қўйиб, танангизни олдинга эгасиз.




2-чи машқ

Оғзингиз орқали чуқур нафас олинг. Нафасингизни ушлаб туриб, қорин мушакларини ичингизга тортинг.

3-чи машқ

Нафасни ушлаб туриш чоғида қорин мушакларини бўш қўйиб, сўнг яна уларни тортинг. Ушбу машғулотларни 10–70 мартаба қайтаринг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Ичакнинг перистальтикаси фаоллашиб, овқат ҳазм қилиш ва ажратиб чиқариш тизими иш фаолияти яхшиланади.
- ◆ Қорин мушаклари ривожланади ва мустаҳкамланади. Қориндаги ортиқча ёғ қатламлари камаяди.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Агар нафас олишнинг бундай ҳолати ичагингизда муаммоларни вужудга келтираётганини ҳис этсангиз, унда чуқур нафас тортиб юборишингиз мумкин.
- ◆ Белнинг пастки қисмида оғриқлар безовта қилса, олдинги эгилиш тавсия этилмайди.

“ДИҚҚАТ БИЛАН ҚАРАТИЛГАН НИГОҲ” (Tratak Kriya)

Бажариш техникаси

Ёқилган шамни, кўлингиз узунлигида, кўзингиз даражасидаги жойгақўясиз. Медитациянинг хоҳлаган асанида утиришингиз мумкин. Белингиз текис туриши лозим. Кўзларингизни юмиб, танангизнинг бутун мушакларини бўш қўйинг. Сўнг кўзингизни очиб, шамнинг ёниб турган пилигининг учига диққат билан қарай бошланг. Кўзингизни юммаслик ва четга қарамасликга ҳаракат қилинг. Агар бир неча дақиқадан сўнг кўзларингиз чарчаса, уларни беркитиб кўз олдингизга хаёлан шамни келтиринг. Бир дақиқадан сўнг кўзларингизни очиб, шамга қарашда давом этинг. Бу машқни 2–3 марта қайтаринг.

Аввалига машғулот давомийлиги 2 дақиқани ташкил этади. Секин-аста машғулот вақтини узайтириб бориш лозим, аммо 10 дақиқадан ошмаслиги керак.

Шам олови текис бўлиши шарт: шу билан бирга хонада елвизак ва шамол айланмаслигига ҳам эътибор қаратинг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Нигоҳингиз янада тиниқроқ бўлади. Диққат-эътибор концен-трацияси ва диққатни бир жойга жамлаш кучаяди.
- ◆ Уйқусизлик, депрессия ва стрессдан фориғ бўлишга ёрдам беради.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Кўзда муаммолар бўлса, ушбу машқни бажариш тавсия этил-майди.

БОШ МИЯНИНГ ПЕШОНА ҚИСМИ ТОЗАЛАНАДИГАН НАФАС ОЛИШ ТЕХНИКАСИ (Kapalbhati Kriya)

**Kapalbhati – бу, фаол нафас
чиқариш ва нофаол нафас
олиш санъатидир.**

Бажариш техникаси

“Лотос” позасига ўтириб олинг. Белингиз текис туриб, нигоҳингиз олдинга тўғри қараши, қўллар эса тиззада жойлашиши лозим. Иккала қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари бирлаштирилиши лозим.

Бурнингиз орқали нафас чиқариб, қорнингизни ичкарига тортинг. Қорин мушакларини бўш қўйиб, аста нафас олган ҳолда қоринни илгариги ҳолатига келтиринг.

50 мартта нафас чиқариш ва нафас ютишни амалга ошириш лозим. Вақти билан босимни 100та нафас чиқариш ва нафас ютишгача кўтаринг. Бу машғулотларни тухтатмай 2 дақиқа давомида бажаринг, сўнг машғулотлар вақтини 10 дақиқাগача кўпайтириш мумкин.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Моддалар алмашинувчи тезлашиб, ёғ қатламлари ортиши камаяди.
- ◆ Кордиореспиратор тизим мустаҳкамланиб, ҳаётий қувват захираси вужудга келади.
- ◆ Ичакнинг перистальтикаси фаоллашиб, шу билан овқат ҳазм қилиш ва ажратиб чиқариш тизими яхшиланади.
- ◆ Свиш, мигрен ва гипертония хасталикларини даволашда ёрдам беради.
- ◆ Организмнинг барча тизимлари соғломлаштирилишига омил бўлади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босими, гинекологик муаммоларда, қорин оғриғида шунингдек яқинда ўтказилган жарроҳлик операцияларидан сўнг ушбу машғулотни бажаришдан аввал шифокор маслаҳатини олмоқ зарур.


НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИНИНГ ТОЗАЛАНИШИ (Dhokan Kriya)

Бажариш техникаси

“Олмосли” позасига ўтириб олинг. Белингиз текис туриб, нигоҳингиз олдинга тўғри қарашди, кўллар эса кафтлар пастга қараган ҳолда тиззада жойлашиши лозим.

Бурнингиз орқали нафас чиқариб, қорнингизни ичкарига тортинг. Қорин мушакларини бўш қўйиб, аста нафас олган ҳолда қоринни илгариги ҳолатига келтиринг.

50 марта нафас чиқариш ва нафас ютишни амалга ошириш лозим. Вақти билан босимни 100та нафас чиқариш ва нафас ютишгача кўтаринг. Бу машғулотларни тўхтатмай 2 дақиқа давомида бажаринг, сўнг машғулотлар вақтини 10 дақиқача кўпайтириш мумкин.



Бандха – бу, организм томонидан эндокрин тизими фаолиятининг стабиллашиши учун амалга оширилган асаб-мушак зўриқишидир. Бизнинг кайфиятимиз организмимиздаги гармонлар даражаси билан аниқланади. ЙОГАларда – организмнинг тинч хузуру ҳаловат ҳолати каби тушунчалари мавжуд.

Бандха – организмнинг гармонал балансини тиклашга ёрдам берувчи усуллар тизими бўлиб, босимни ечади ва бутун кун давомида бежавотирлик ҳиссини сақлаб туради.

7

ГАРМОНАЛ БАЛАНСНИ ТИКЛАШ (Bandha)

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Моддалар алмашинуви ошади, ортиқча ёғ йўқола бошлайди.
- ◆ Кордиореспиратор тизим мустаҳкамланиб, ҳаётий қувват захираси вужудга келади.
- ◆ Ичакнинг перистальтикаси фаоллашиб, шу билан овқат ҳазм қилиш ва ажратиш чиқариш тизими яхшиланади.
- ◆ Юз мушаклари мустаҳкамланиб, терининг чўзилувчан бўлишига олиб келади.


ОҒОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босими, гинекологик муаммоларда, қорин оғриғида шунингдек яқинда ўтказилган жарроҳлик операцияларидан сўнг ушбу машғулотни бажаришдан аввал шифокор маслаҳатини олмоқ зарур.

ТОМОҚ ЗҰРИҚИШИ (Jalandhar Bandha)


1-чи машқ

"Лотос" позасига ўтиринг. Ўпкангизни тўлдириб, чуқур нафас олинг. Елкаларингизни кенг қилинг. Кўкрак қафаси бу ҳолатда юқорига кўтарилган бўлиши лозим. Нафасингизни ушлаб туринг.



2-чи машқ

Иягингизни асталик билан пастга тушириб, уни бўйнингизга маҳкам босинг. Нафасингизни 30–60 сонияга ушлаб туринг.



3-чи машқ

Нафас ушлаб туриш чоғида иягингизни аввалги ҳолатига қайтариб, бўйнингизни тик қўтаринг. Бурнингиз орқали нафас чиқариб юборинг.

Ушбу машқни 3 марта қайтаринг.

УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қалқонсимон без фаолиятидаги муаммолар даволанади.
- ◆ Тана вазни камайишига омил бўлади.

ОГОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Бўйин спондилити ёки қалқонсимон безнинг гиперфаолиятида ушбу машқни бажариш тавсия этилмайди.

ҚОРИН БУШЛИГИНИНГ СИҚИЛИШИ (Udyan Bandha)



1-чи машқ

Қаддингизни тик тутиб, оёқларингизни елка кенглигида очинг. Қўлларингизни, бармоқларни ичга қилиб сон устига қўясиз ва танангизни олдинга эгасиз. Оғзингиз орқали аста нафас чиқариб юборинг.


УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қориннинг пастки қисм мушаклари ривожланиб, мустаҳкамланади.
- ◆ Ажратиб чиқариш тизими фаолияти яхшиланади.
- ◆ Жиддий гинекологик муаммоларни ҳал этишда самарали ёрдам кўрсатади.
- ◆ Астма, бронхит шунингдек ҳолсизликда бажариш фойдалидир.

2-чи машқ

Нафасни ушлаб туриб, қорнингизни ичкарига тортинг. Организмда қолган ҳавони, қорнингиз билан шундай "сўриб олинг"ки, қорин бўшлиғида бўшлиқ вужудга келсин. Ушбу ҳолатда иложи борича узоқроқ қолинг. Қаддингизни тик тутиб, чуқур нафас олинг.

Ушбу машқни 2-3 марта қайтариб туринг.



ОГОҲЛАНТИРИШ


- ♦ Юқори қон босими, юрак хасталиклари, шунингдек ҳомиладорлик даврида ушбу машқларни бажариш тавсия этилмайди.

МУШАКЛАРНИ МАҲҚАМ СИҚИШ (Mool Bandha)

Бажариш техникаси
“Лотос” позасига ўтириб
олинг. Оғзингиз орқали чуқур
нафас олиб, уни ушлаб ту-
ринг.

Ёнбош (ягодица) му-
шакларини сиққан ҳолда
ички мускулатура кучлани-
ши билан қориннинг пастки
қисм органлари ва мушакла-
рини иложи борича тепага
кўтаришга ҳаракат қилинг. Бу
ҳолатни иложи борича узоқ
вақт ушлаб туришга ҳаракат
қилинг. Зўриқишни аста сусай-
тириб, қориннинг пастки қисм
органларини “туширинг”. Нача ютиб
ўзингизни бўш қўйинг. Одатий
нафас олишни тиклаб олишингиз
мумкин.

Бу машқни 3 марта қайтаринг.



УШБУ БАЖАРИЛГАН МАШҚ САМАРАСИ

- ◆ Қориннинг пастки қисм мушаклари ривожланиб, мустаҳкамланади.
- ◆ Ажратиб чиқариш тизими фаолияти яхшиланади.
- ◆ Жиддий гинекологик муаммоларни ҳал этишда самарали ёрдам кўрсатади.
- ◆ Астма, бронхит шунингдек ҳолсизликда бажариш фойдалидир.

ОҒОҲЛАНТИРИШ

- ◆ Юқори қон босими, юрак хасталиклари шунингдек ҳомиладорлик даврида ушбу машқларни бажариш тавсия этилмайди.

Турли динлар, медитациянинг у ёки бу усулларига мурожаат этадилар. ЙОГАларда медитацияга нисбатан, бошқаларникига кўра чуқурроқ муносабат мавжуддир. Улар, медитация – асосий усуллардан бири ҳисоблаб унинг ёрдамида инсон, тана ва руҳнинг сокин бирлашуви ҳолатига эришади. Чиниқтирилмаган тана, унга эътибор бермаслик, диққатни бир жойга жамламаслик ва абстракция бўлмаслиги – худди ишлов берилмаган олтин қуймасига ўхшайди. Аммо заргарнинг қўлида бу қуймадан ҳақиқий санъат асари вужудга келиши мумкин. ЙОГАда организм устидан “заргарлик” ишларини медитация амалга оширади.

Бутун бир ЙОГА тизими у ёки бу жиҳатдан тана ва руҳни ойдинликка, медитация ҳолатига кириш имкониятига, яъни – тана ва руҳ бирлигини англашга тайёрлаб боради.

8

МЕДИТАЦИЯ

ҚАНДАЙ ҚОИДАЛАР АСОСИДА ЯШАМОҚ КЕРАК

Медитация – машқлар бажариш, ёки ўрганиш мумкин бўлган нарса эмас. Бу ўз онгингизни кенгайтириб уни тобора чуқурроқ англаш санъатидир. Агар сиз бунга тайёр бўлсангиз, медитация ҳолатига бир неча сонияда эришиш мумкин бўлади. Қуйида келтирилган асосий қоидаларга амал қилган ҳолда медитация ҳолатига яқинлашишингиз мумкин.

1. Бу ҳаётда кўп нарсани ўзгартиришнинг иложи йўқлиги ҳақида ўзингизни ишонтинг. Ҳаётни борича қабул қилишга ўрганиб, уни ўзгартиришга ҳаракат қилмаслик лозим. Агар сизда вақти-вақти билан ҳавотирли ҳолатлар, кўрқув пайдо бўлса – шунчаки унга тан бериб кўниқинг. Ўзингизга ўзингиз, ҳаётдаги қийинчиликларингиз бўлгани каби бахтли кунларингиз учун фақат ўзингиз масъул эканлигингизни таъкидланг.

2. Ўз қарорларингизни даражаларга бўлинишига йўл қўймасликка ҳаракат қилинг. ЙОГА, ҳаётни ва ҳиссиётни тўлақонли қабул қилишга ўргатади. Масалан: сув тўла челаққа тушаётган сув томчиси товуш чиқаради. Ҳатто бу, инсоннинг ғашига тегса ҳам, барибир товуш чиқаради. Аммо агар сиз ҳаётни борича қабул қилишга тайёр бўлсангиз, бу товуш сизни ҳеч қанча ҳавотирга солмайди. Аксинча, у сизнинг ҳиссий оламингизга ўзига ҳос мазмун қўшади. Яъни сиз, ҳеч нарсага чалғимаган ҳолда, ҳаётни бор рангарида кўришингиз мумкин бўлади.

3. Тинч ва беҳавотир ҳолатда бўлиш, – медитацияга эришишнинг асосий ва энг зарур бўлган шартларидан биридир. Ҳақиқатан ўзини бўш қўйиш учун, аввалам бор турли хил ўй-фикрлардан фориг бўлиш керак. Ўз олдига аниқ мақсад қўймаган ҳолда – ашула айтса, рақсга тушса, югурса, сузса, ЙОГА машқларини ҳам бажарса бўлади. Асосий мақсад – ўзини бўш қўйиш. Ҳақиқатан ўзини бўш қўйишга эса, сизни ўраб турган дунёни ўзгартириб бўлмас ҳақиқат сифатида қабул қилганингиздан сўнг эришиш мумкин. Ҳозирда қаерда бўлишингиздан қатъи назар, бу ҳақда ўйлаб кўринг.

4. Ишонч ва ишонтаришга эътиборингизни қаратиб қолманг. Улар сизни бўғиб юборади, негаки қонун ва қоидаларга риоя қилган ҳаёт инсонга бахт олиб келмайди. Қоидалар қолипига со-

инган инсон, занжирбанд этилган ит мисоли ҳеч қачон эркин ҳаракат қила олмайди. Бундай ҳолатга бахтга эришиб бўладими? Ҳаётнинг у ёки бу қоидаларига бўйсунган ҳолда, сиз ўзингиз чизган чизиқлардан четга чиқиш имкониятидан маҳрум бўласиз. Аммо у ёки бу қоидалардан ўзини четга олган ҳолда қандай қилиб бахтли бўлиш мумкин. Буларга ўз устингиздан ҳукмронликни бериб, сиз бир ҳилда тўғридан ҳам нотўғридан ҳам четда бўласиз. Сиз ҳар бир ҳолатга турлича, ўз қарорингизни аниқ бир қоидага асосланмаган ҳолда таъсир қилишингиз мумкин. Ҳуқук, адолат – айб ҳиссини ҳис этмаган ҳолда шунчаки у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидир.

5. Фақатгина ҳеч нарсадан қўрқмаслик, эркинликка олиб келиши мумкин. Инсоннинг асосий хоҳиши – барча қўрқувлардан озод бўлишдир. Ўзидаги қўрқувни инсоннинг ўзи вужудга келтиради, ва фақатгина унга йўл берган ҳолда қўрқувдан фориғ бўлиши мумкин. Ўзингизда қўрқувни енгилни иложи йўқ. Уни енгилда сиздан ҳеч нарса талаб этилмаслигини аниқ билиш лозим. Шундай экан – қўрқининг нима кераги бор? Шундай қилиб, қўрқувга йўл бериб уни ўз табиий ҳолатингизнинг бир қисми сифатида қабул қилинг ва ички эркинликни ҳис этинг.

6. Медитация қила олмагунингизча ЙОГА билан шуғулланинг, негаки шунинг ўзи ЙОГАнинг асосий мақсади ҳисобланади. Хатолар ва ўз ақлингиз ёлғонларининг олдини олишга ҳаракат қилинг.

7. Ҳеч бир хоҳиш бўлмагандагина, фикр юритиш ҳолатига келиш мумкин. У ёки бу нарсани исташ, хоҳлаш – ўзидан кўнгли тўқ бўлиш демакдир. Хоҳиш, инсонга эртанги кун билан яшашни ўргатади, шу билан бугунги кунни тан олмайди. Хоҳишнинг йўқлиги эса – бугунги кун, яъни ҳар дақиқа қимматли бўлган бугунги кун ҳаётидир.





8. Диққатингизни бир жойга жамлашга ҳаракат қилманг. ЙО-ГАлар ҳеч қачон ўзларига: "Ўтириб медитация билан шуғулланиш керак" деб айтмайдилар. Диққатингизни бир жойга жамласангиз, сиз ҳозир аниқ вақтда қилмоқчи бўлган ишни қилишдан тўхтайсиз. Қолган барча вақт сизнинг ҳаётингиз қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолади. Ҳар бир нарсага, ҳар доим тайёр эканлигингизни англаб етган ҳолатни ўзингизда сақлаб туринг. Медитация, кунига 20 дақиқа ёки 1 соат эмас, суткасига 24 соат давом этиши лозим.

9. Мукамал бўлишга интилманг. Ўзингизни қандай бўлсангиз, шундайлигингизча қабул қилинг. Шунчаки ўзига бутун оламни сиғдирган инсон бўлинг. Мукамаллик, бу – инсон томонидан ўйлаб топилган тушунчадир. Инсондаги илоҳий ибтидоси – ўзини буткул қабул қилиш ва кўникишдадир.

10. Қўшиқча, қўшиққа айланади. Рассом, суратга айланади. Мана медитация нима дигани. Бу ерда, на объект ва на субъект мавжуд – барчаси бирлашиб кетган.

ЙОГА БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ЖАДВАЛИ УМУМИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Ҳар кунги машғулотларни, "Қуёшга салом бериш" машғулотлари мажмуасидан бошланг. Бу сизни танангизни қиздириб, асанларни бажаришга тайёрлайди. Ҳар кунги машғулотлар жадвали шундай тузиладики, унда организмнинг турли ҳил икки тизимлари учун мўлжалланган асанлар ҳар куни бажарилиши шарт. Машғулотларнинг, тананинг аниқ бир қисмларига ҳар куни таъсир этиши самарали бўлади, негаки иккала ўзаро боғланган мушаклар гуруҳи тобора тезлик билан шаклланади. Бу уларга кейинги икки кун давомида дам олиш имконини беради. Шу усулда машқ қилиб, сиз тезроқ муваффақиятга эришасиз. Асанлардан сўнг – Бандханинг барча уч техникаларини бажаришга киришинг. Бу жудаям муҳим, негаки улар бутун гармонал тизимга таъсир кўрсатади, у эса ўз навбатида организмнинг умумий ишлашига таъсир этади. Сўнг танангизни кислородга тўйинтириш ва моддалар алмашинувини тезлаштириш учун – крия техникаларидан бирини бажаринг. Медитация позасида бўлган ҳолда, пранаямалардан бирини бажаринг. Бу нафас олишни яхшилаб, мушакларни бўш қўяди ва организмнинг ички мувозанат ҳиссини беради. Крияни ҳоҳишга кўра, аммо кунига энг камида 1 мартта бажариш мумкин.

ЕТТИ КУНЛИК НАГРУЗКАГА БЕЛГИЛАНГАН МАШҒУЛОТЛАР ЖАДВАЛИ

- Душанба** “Қуёшга салом бериш”, ушбу асанлар тананинг тепа қисми ва ён томонлари учун мўлжалланган бўлиб, келтирилган машқлар гармонал балансни тиклаш ва нафас олишни яхшилаш учун белгилангандир.
- Сешанба** “Қуёшга салом бериш”, ушбу асанлар қорин мушаклари ва бел учун мўлжалланган бўлиб, келтирилган машқлар гармонал балансни тиклаш ва нафас олишни яхшилаш учун белгилангандир.
- Чоршанба** “Қуёшга салом бериш”, ушбу асанлар оёқ мушакларини мустаҳкамлаш учун мўлжалланган бўлиб, келтирилган машқлар гармонал балансни тиклаш ва нафас олишни яхшилаш учун белгилангандир.
- Пайшанба** “Қуёшга салом бериш”, ушбу асанлар тананинг тепа қисми ва ён томонлари учун мўлжалланган бўлиб, келтирилган машқлар гармонал балансни тиклаш ва нафас олишни яхшилаш учун белгилангандир.
- Жума** “Қуёшга салом бериш”, ушбу асанлар қорин мушаклари ва бел учун мўлжалланган бўлиб, келтирилган машқлар гармонал балансни тиклаш ва нафас олишни яхшилаш учун белгилангандир.
- Шанба** “Қуёшга салом бериш”, ушбу асанлар оёқ мушакларини мустаҳкамлаш учун мўлжалланган бўлиб, келтирилган машқлар гармонал балансни тиклаш ва нафас олишни яхшилаш учун белгилангандир.
- Якшанба** “Қуёшга салом бериш”, “Ўгирилган” (перевёрнутый) позалари ва медитация учун белгиланган позалар тавсия этилган.

ЙОГА: КАСАЛЛИКЛАРДАН ФОРИФ ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ВОСИТА

Йога жисмоний жиҳатдан соғлиқни яхшилабгина қолмай. У сурункали ҳасталикларни давошга ҳам омил бўлади.

Ушбу бўлимда, – ошқозон бузилишидан тортиб, астма (буғма) ва бўйин спондилитигача (бўйин умуртқаларининг шамоллаши), диабет ва ҳатто қон босимини кўтарилиши каби тарқалиб борётган кўплаб ҳасталикларни даволашда ёрдам берадиган машқ позалари келтирилган. Ў ёки бу ҳасталикда тавсия этилган асанларни, сизнинг аниқ муаммоларингизга хос бўлган машғулотларнинг умумий жадвали билан умумлаштирган ҳолда ҳар куни, белгиланган машқларнинг умумий жадвали асосида бажариб юринг.

ЙОГА ТАНА ВА РУҲНИ ДАВОЛАШНИНГ ОСОН УСУЛЛАРИ

Мухаррир:
Акрам Деҳқон

Саҳифаловчи:
Иноят Зоҳидова

Рассом:
Шухрат Одиллов

«Мухаррир» нашриёти
Лицензия: АИ №099. 2008 йил 24 март


Теришга 2012 йил 1 августда берилди.
Босишга 2012 йил 29 августда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. «Helios» гарнитурасида офсет босма
усулда газета қоғозда босилди.
6,2 шартли б.т. 7,75 ҳисоб нашр. таб.
Адади 3000 нусха. 31-сон буюртма.

«TONG PRESS PRINT» босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Уста Олим кўчаси.
E-mail: mulk777@mail.ru

60

ЙОГА

ТАНА ВА РУҲНИ
ДАВОЛАШНИНГ
ОСОН УСУЛЛАРИ



«Muharrir»
nashriyoti

ISBN 978-9943-25-125-0



9 789943 251250